

# ЖУЖУЖ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

1998 йил  
24 июн, чоршанба

# 24 (36)

Газета 1997 йил 27 августдан  
чиқа бошлаган

ЮРИДИК ГАЗЕТА



Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Андижон ва Фарғона вилоятларида бўлиб, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан танишди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи бошланди.

Хоразмлик ғаллакорлар мамлакат мустақиллигининг 7 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Шу муносабат билан юртбошимиз Ислоҳ Каримов вилоят ғаллакорлари ва меҳнатқашларига табрик хати йўллаб, улкан ғалаба билан кутлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда халққаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг қўшма мажлисида «Ташкилоти иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятда бажарилиши масаласи муҳокама қилинди.

## Тошкент вилоят прокуратурасида

### ЙЎЛ ҚЎЙГАН КАМЧИЛИКЛАРИ УЧУН...

20 июн куни Тошкент вилоят прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳайъат йиғилишини вилоят прокурорининг биринчи муовини Улғубек Иномжонов олиб борди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари Х.Ҳолиқовнинг «Тошкент махсус прокуратурасида ўтказилган текширишлар ақунлари» ҳақидаги ахбороти тингланди.

Қонун ижроси юзасидан йўл қўйган камчиликлари учун махсус прокуратура ходимлари интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Вилоят прокурори катта ёрдамчиси Б.Каримов «Республика прокуратураси ташкилий назорат ва таҳлиллот бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ва таҳлиллот масалалари бўйича гуруҳ томонидан вилоят прокуратураси идораларида ижро интизомини умулштириш натижалари юзасидан» йиғилганларга ахборот берди. Ишда йўл қўйган камчиликлари учун айрим шахар ва туман прокурорлари қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Ахборот

### МИНТАҚАВИЙ ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент шаҳар ҳокимияти маж-лислар залида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Адлия вазирлиги ташаббуси билан прокуратура, адлия ва суд ходимларининг минтақавий илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжумани Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Эргашев олиб борди.

Анжуманда Олий Мажлисининг I-чиқариқ XI сессиясида қабул қилинган «Ёр», «Оила» кодекслари, «Қишлоқ ҳўжалиги ширкати», «Дехқон ҳўжалиги», «Фермер ҳўжалиги» ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунларни амалиётга тадбиқ этиш масалалари муҳокама этилди.

Маэкур кодекслар ва қонунларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган олимлар ва мутахассислар ўз маэрузаларида бу ҳўқуқий ҳўжатлар деҳқонларда ерга эголик қилиш тўғрисидаги муостаҳкамлаш, уларнинг ўз меҳнат натижаларидан баҳраманд бўлиш борасидаги ҳўқуқларини тўлиқ таъминлаш, пайчиликни жорий этиш асосида қишлоқда мулкций муостаҳкамлашнинг тақомиллаштиришга қаратилганини атрафлича таҳлил қилиб бердилар. Ўз навбатда бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши қишлоқ ҳўжалигининг тораққиети ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилиши ҳақида сўз юритдилар. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, энг муҳими, қонуннинг янги таҳририда халқнинг хоҳиш-иродаси эътиборга олинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Минтақавий мажлисда Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Қуролли Қўчалар харбий ва транспорт прокуратуралари, вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари, вилоят, шаҳар ва туман судьялари қатнашдилар.

Бундай минтақавий анжуманларни Самарқанд, Фарғона, Урганч ва Қарши шаҳарларида ҳам ўтказиш белгиланган.

(Ўз мухбиримиз).

## Дастхат

### МУҲАРРИРИЯТГА ҚЎНГИРОҚЛАР

«Жуқуқ» газетасининг биринчи сони ўтган йилнинг 27 августидан дунё юзини кўрган эди. Газетамиз киска муддатда оёққа туриб олди. Мана, ҳозир ҳафтаномамиз минглаб нусхада чоп этилмоқда. Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, газетамиз мустақиллик халқимизга иноят этган жуқуқ - қонунийлик масалаларини тарғиб этади; прокуратура идораларининг шу йўналишдаги фаолиятини ёритиб боради.

Ва газетанинг оммабоплик савкитабидан келиб чиқиб, ҳўқуқий маданият, маъновият масалаларини ҳар томонлама қиароб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Албатта, ўқувчиларимизнинг катта аудиторияси бунда энг яқин кўмакчи бўлиб қолишларига ишонамиз.

Таҳририятга келаётган хот-хабарлар, қўнғироқлар, фўқорларнинг бевоасита мувожаатларига қараганда, газета чиқишлари ўқувчиларни бефўқор қолдирмаётди.

Газета мақолаларида фактларнинг атрафлича таҳлил қилиб берилиши бизга, айниқса, маъқул бўлмоқда, - деб ёзади боёвўтлик Қодиркул Душоёв. - Таҳлил кишини мулоҳаза юритишга ундайди, ўз - ўзидан муаллиф билан ҳамфикр бўлиб қолаёми. Шунинг учун таҳририят бундан кейин ҳам кишини ўйлантирадиган мақолаларни кўпроқ берсин.

«Ширин ёлгонларнинг очкич акибатлари» мақоласини ўқиб, кўп мутаассир бўлдим, - телефон қилди ўзини Махбуба деб таништирган аёл. - Сабоби - бизнинг ҳам бошимизга мақолада баён этилган воқеага ўхшаш таъвиш тушиб қолди. Январини ўтган май ойида 16 ёшга тўлди. Икки томон ҳам қуда-анда бўлишга рози. Қиз-йигит рози, факат суд йиғитини жазога тортмоқчи. У қамондан қандай аҳволда қайтиб келади? Қиз бечора унча қандай юради?

Чиндан ҳам бошни бири жойга қўйиб, ўйлайдиган, кенгашадиган масала экан.

Баъзон аксинча ҳам бўлади. Яъни,

бизни танқид қилишдади, изоҳ талаб қилишдади:

-Юридик лицейнинг ўқитувчиси-ман, - деб таништирган эди ўзини телефон орқали яна бир газетхонимиз. - Олимпиада синовларида факрлий ўринни ололмоган ўқувчим номидан, мактабда ҳўқуқий билимлар ёмон ўқитилди, деб ёзипсизлар, бу нотўғри. Чўнки, ўтган йил мен раҳбарлик қилган синф ўқувчиларининг 99 фазиси ўқишга кирди. Бу «рекорд»ни яна такрорлаш учун курашмоқдамиз.

Биз «рекорд»ни ўқитувчимиз ўз мулоҳазаларини қозога тушириб келсанлар, у кишига ҳам газетда ўрин беришимизни тушунтирдик. Бундай мувожаатлар рўйхатини анчага давом эттириш мўмкин. Уларнинг таҳлиладан битта хулосага келаёми: одаллар фаолроқ бўлиб қолиши. Кишиларда ўзига, эртани кунга ишонч муостаҳкамлашиб бормоқда. Яхшилик яхшиликни парваришлайди. Ишонч ишонччи муостаҳкамлайди. Нима эксанг шунини ўрасан, дейдилар. Шу боис аънонавий касб байрамимиз - Оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинда барча газетхон дўстларга бизга билдирган ишончлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этаёмиз!

Сизларга ҳам миллий матбуотимиз байрами кўтлуг бўлсин! Байрам арафасида ўқувчиларимизга яна шунини маълум қилиб қўймоқчимизки, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бош муоассис сифатида фаолиятимизда иштирок этмоқда. «Жуқуқ» газетаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида 00150 рақам билан қайтадан рўйхатдан ўтди.

Бу вида берилган навбатдаги ишонч ёрлиғидир.

(Фаолиятимиз ҳақидаги материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

## 26 июн - халққаро гиёвандликка қарши кураш кунини

### ОҒУСИЗ ҲАЁТ УЧУН

Гиёвандлик асримизнинг энг хавфли иллатларидан бири бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам бўтун дунёда бу иллатга қарши аёвсиз кураш эълон қилинди.

Кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимларининг олиб бораётган изчил фаолияти туфайли, туманимиз ҳудудида таркибидан гиёвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштиришга буткул чек қўйилди.

Афсуски, жиноятнинг бошқа бир тури- нарқобизнес, яъни гиёвандлик моддаларининг саклаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар тез-тез учрамоқда.

Прокуратурамиз томонидан 12-сонли бошқона пости ва туман ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда мунтазам равишда «Қолқон» тadbирининг ўтказилиши ўз натижасини бермоқда. «Мискин» деҳқон фермер ҳўжалигидаги ДАН постидан 22-30 КПИ рақолини машино тўхталиб текширилганда, унинг ичиндаги йўловчи сумкасида 121 грамм гиёвандлик моддаси ҳисобланган марихуана топилди. Бундай кингир йўлга қўлрган Отажон Отановов, Эркин Матқаримов, Аҳмадов Тоҳир Аетовлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 272-моддаси 1-қисми билан жинорий жавобгарликка тортилдилар.

Илгари судланган, ҳеч қарда ишломий гиёвандлик моддаси олиб сотиш билан шуғулланиб келган Мақсуд Мадрохимов 1998 йил 7

феврал кунини доимий «мижоз» Олимбой Собуровга 2 грамм марихуанани 200 сўмга пуллаётганда қўлга тушди. Унинг ўйи тинтув қилинганда яна 20 грамм ана шундай гиёвандлик моддаси халтачаларга солиниб, сотиш учун тайёрлаб қўйилганлиги аниқланди. Эндигина 19 боҳорни қаршилаётган бу ёш йигитнинг 13 йиллик умри темир панжаралар ортида ўтадиган бўлди.

Тўрткўл шаҳрида яшовчи У. Исмомлов ҳам ҳеч қарда ишламайди. Олдин судланган, олган жозосидан тўри хулоса чиқармаган бу шахс яна жиноятга қўл урди. Шу йил 6 март кунини унинг уйидан 22 грамм гиёвандлик моддаси топилди. Усмон бу гиёвандлик моддасини ўзи истеъмол қилибгина қолмай, уйда бошқаларга сотиш билан ҳам шуғулланиб келган. Бу ҳолини унинг турмуш ўртоғи, эибли-ўқитувчи Говхар Бекқонова, «Ешлик» маҳалла қўмитаси раиси Ж.Бекқоновлар ноҳотки билишмаган!

Жиноятга қўл урган кимсалар қилишларига яраш жозони олишлари муқаррар. Аммо, асримиз «вобоси» деб ном олган гиёвандликнинг илдизига болта уришда ҳар бир онгли фўқор курашмоғи лозим, деб ўйлайман.

Шўхрат АБЕРҚУЛОВ,  
Тўрткўл тумани прокурори,  
адлия маслаҳатчиси.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Қонун ҳимоясида» журнали

БОШ МУҲАРРИР:

Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
Эркин ЙЎЛДШОВ
Мэлэс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер маркасида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлезмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар белгиси остида чоп этилади.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар: 13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босма-хонасида офсет усулида босилди.

Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41. Нусхаси 18227. Буюртма Г- 0140. Қоғоз бичими - А-3. Баҳоси сотувда эркин нарҳда.

Босмахонага топшириш вақти: 20.00. Босмахонага топширилди: 21.20.

Навбатчи муҳаррир: Б. УЛЛИБОВОЕВ. Навбатчи: О. БЕГАЛИЕВ.

1 2 3 4 5 6 7

Умумий назорат

Виждонга хиёнат жиноятга етаклайди. Таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, назорат, эътиқод сўсайиш эрда одамлар кўнгли кўчасига қирадилар. Баъзида виждонини жигилдонга айлантирган, фақат ва фақат бошлик орттиришга рўжу қўйган кимсалар қисмати билан танишганимда «ноинсофлик ҳам шунчалик бўладими», деган нидо қалбдан отилгандек бўлади.

ҚИММАТГА ТУШГАН ҲИММАТ

«Лаша» очик турдаги хиссадорлик жамиятида содир этилган жиноят ҳар бир софдил фуқарони чуқур ўйлантиради, мушоҳада юриштига ундайди. Жамият раиси В.Юсулов, бош ҳисобчи Н.Раҳматов ва бошқалар йиллар мобайнида республика Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўрисидаги Фармони талабларини кўпол равишда бузишган. Улар қишлоқ ҳўжалиги эхтиёжи учун фонд тақсими ҳисобида олиб келинган 1000 тонна минерал ўғитни айлвот худудидаги кичик қорхона, фирмаларга ўбаошимчалик билан бериб юборишган. Ҳотамтойлик тўфайли 15 миллион сўмлик дебиторлик қарзи юзага келган, аммо уни ундириб олиш чоралари кўрилмаган. Ходимларнинг совуққонлиги, масъулиятсизлиги доватта, ҳўжалиқларга қимматга тушди. Масалан, ошбор мудирлари Р. Ҳайдаров, М.Тоировлар 39.000 сўмлик ўғитни очик ҳавога ташлаб қўйишган.

Мана бунга нима дейсиз: техник курувчи Узоқ Ражабов моддий жавобгарлигидаги 487 тонна цементни Ш.Эргашев номи жамоа ҳўжалигига берилди, деб сохта ҳўжжат расмийлаштирган. Вужуда келган дебиторлик қарзи ҳўжалик билан таққослаб текширилганда, кўзбўямочлик айдинлошди.

Хиссадорлик жамияти тижорат бўлими бошлиғи Ж.Рамазонов билан сўхбатлашган киши дастлаб уни қўй оғиздан чўп олмаган киши сифатида тасаввур қилади. Бирок, одамнинг оласи ичида, деганлари рост экан. Текширув довомида бу шахсини нақадар олғирлиги, пул деб эътузбон кетганлиги аён бўлди. Қаранг, Ж.Рамазонов Навоий шаҳридаги «Рўйи Замин» фирмасига 120 тонна цемент берилганлиги ҳақида сохта ҳўжжат тузади. Бу билан суний равишда дебитор қарзини вужуда келтириб, цементни уларларга нақд пулга сотади. Бу ҳам етмагандики, жавобгарлигидаги 183 тонна қурилиш материални Бухоро шаҳридаги «Жасурбек-2000» номи хусусий қорхонасига ўтказди. Аслида ҳўжжатлар сохта, бутун фаоли-

ят гирромликдан иборат экан. Хиссадорлик жамиятидаги мажҳуд минерал ўғитлар ҳисобдан ўтказилганда, яна бир сирли томони чиқиб қолди. Раис ўринбосари Т.Ҳакимов ва ошбор мудирли Ф.Тўраевлар истевмолчилар ҳисобидан уриб қолши эвазига 66 тонна аммофослик бўлишибди. Уни ҳоли ҳайга ашириб қўйишган... Шунингдек, яқориде қайд этилган 2 ҳамтовек 47 тонна аммиак селит-расини ҳам ҳўжалиқлардан «чегириб» қолшишган. Эл бойлиги эгалорига қайтарилди.

Таажжуб. Ахир, яқориде қайд этилган ўғитларни деҳқонлар сабр-сизлик билан қутишвотган бўлсаю, ноинсофлар худодан қўрқмай, жиноят қилсалар. Жиноятга эса жазо муқаррар.

Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари бажарилишини назорат қилиш, қонунбузарликка, адолатсизликка қарши мурасасиз курашишда Ромитан, Пешку тумани прокуратураси ходимлари изчиллик кўрсатишди. Шу ўринда бир мисол келтирсак. Е. Раҳмонов Ромитандаги «Қалайчорбоғ» жамоа ҳўжалигида ошбор мудирли У.Муайян вақт ёмон ишламади. Бирок, тегишли раҳбарларнинг ишончини қозониб олғач, қўнлига келганини қилишга ўтди. Иш шунга бориб етдики, бу олғир қисқа вақт ичида 917 литр дизель ёнилгисини талантораж қилган. Эгри қўл ошбор мудирининг иши судга оширилди.

Биз мулкдорлар синфининг ишончи вақили бўлиши фермерларни қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор бераёلمиз. Шу муносабат билан баъзи мулоҳазаларни баён этишмоқчиман. Айрим ҳўжалиқларнинг раҳбару мутахассислари ўзаро манфаатли шартномаларни тузиши, унинг шартларига қатъий риёя қилиш масаласига ҳамон совуққонлик билан ёндашмоқдалар. Нативжода адолатсизлик юзага келмоқда. Баъзи деҳқонларимиз, фермерларимиз



пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотларининг ҳақини вақтида ололмай сарсон бўлишвоятти. Бу хусусида мисоллар кўп. Ромитан туманидаги «Нуррафшон» жамоа ҳўжалиги худудида фаолият юритаётган «Тоҳир» деҳқон ҳўжалиги ўтган йили 12,2 тонна юқори сифатли пахта топширган. Шу ҳамашёнинг 80 минг сўми бугунгача эгасига қайтарилмаган. Шунингдек, «Тоҳир» деҳқон ҳўжалиги миришқорлари ветеринария нозирлиги билан ҳам шартнома тузишган бўлсада, уларнинг қорвасига ҳеч қандай хизмат кўрсатилмаган. Беш баш қорамол касалланиб қорон ўлган.

«Ромитан» ҳўжалигидаги «Нисшон» фермер ҳўжалиги ҳиммат кўрсатиб, «Шўрчи» қишлоқ фуқаролар йиғинига нисбатан арзон нарҳда сут ва гўшт етказиб берган. Бирок тадбир-қорнинг оқўнгилиги ва хамиша юрта қайишишдан фойдаланган баъзи кимсалар 75 минг сўмини тўламай пайсалга солиб келишган. Масала қўндаланг қўйилғач, тадбирқорнинг ҳалол пули ўзига қайтарилди.

Республикамиз раҳбарияти аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шофиркон туман прокуратураси бу йўналишда майван ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида иктисодий ислохотларни амалга ошириши, деҳқон-фермер ҳўжалик-лари манфаатини ҳимоя қилиш, шартномалар шартлари бажарилишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилди. 24 та текшириш ўтказилиб, 14 та гайриқонуний буйруқ ва қарорлар аниқланди. Уларни бекор қилиш тўғрисида протест келтирилди. Уз ҳиммат ваъзфасига совуққонлик билан ёндашган 62 нафар шахс ёзма равишда оғохлантирилди.

Юсуп АБДУКАРИМОВ, Бухоро вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари.

ПРОКУРОР ПРОТЕСТИ БИЛАН

Касаба уюшма қўмитаси раси сифатида жамоа шартномасининг бузилиши билан боғлиқ бир масалани муҳокама қилишга тўғри келди. Гап шундаки, шифер тайёрлашда ишлатиладиган техник муовт (суқнони) тежашга эришган ходимларни моддий рағбатлантириш хусусида маълумият томонидан чиқорилган буйруқ ортида ҳақсизлик ётарди. Қизиги шундаки, ушбу буйруқ тўфайли қарийб ярим миллион сўмлик мукофот пули «хизмат»лари инобатга олинган ходимлар чўнтаига ўтиб бўлган эди. Шу орада бир гуруҳ ишчилар имзоси билан шикоят хати тушди. Унда муовтни тежашда иштирок этган ишчилар бир четда қолиб, заводнинг айрим раҳбарлари ўзларига ўн-ўн беш минг сўмдан мукофот пули ёзиб олганилиқлари билдирилган эди. Шикоят юзасидан текширув бошланди. Маълум бўлишича, иктисодий масалалар буйича директор муовини Т.Ямшикова директор вазифасини бажарувчи Р.Ли имзо чекиши лозим бўлган 1997 йил 13 ноябрдаги мукофотлаш тўғрисидаги буйруққа жимжимдор қилиб имзо чекиб юборади. Бекорга эмас, албатта. Ушбу буйруққа ўзи ва маҳсулотни тежашга ҳеч қанақа алоқаси бўлмаган эри Ф.Шамсутдиновнинг фамилиясини киритиб 10, 15 минг сўмдан пул ёзиб, «хизматлари»ни шу усулда тақдирлайди.

Касаба уюшма қўмитаси қарори билан Т.Ямшикованинг буйруғи нақонуний деб топилиб, бу ҳақда маълумиятга маълум қилинди. Аммо, директор муовинининг кескин қаршилиги тўфайли ушбу қорор адолатсиз буйруқ олдида йўққа чиқарилди.

Сўнгра... Тежамқорликка эришган «ҳодим»ларни мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ Охангарон шаҳор прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди ва прокурор протести билан бекор қилинди.

О.УШНАЗАРОВ, «Охангароншиффер» хиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

Ҳамқорлик

Туманимизда фаолият кўрсатаётган «Навбахор» бизнес мактабида бугунги кунда 510 нафар талаба 12 хил иктисослик бўйича таҳсил олмоқда. Уқишга иштиёқманд ёшлар бу ерда бозор иктисодиёти ва тадбирқорлик асосларини чуқур ўзлаштиряптилар.

Бўлажак тадбирқорлар қонунни ўрганишмоқда

Навбахор туманидаги Бизнес мактаби ҳуқуқ-тартиботни муҳофазо қилиш идоралари билан яши ҳамқорлик ўрнатган. Билим даргоҳида ҳуқуқий совадхонликни ошириш борасида учрашув, кеча ва тадбирлар ўтказиш аънонага айланган. Бундай тадбирларнинг ўтказилишида бевосита масъул бўлган туман прокуратурасининг терговчиси У.Карбаевнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. У киши қонунчиликни тарғиб қилиш мақсади-

да «Бизнес мактаби»га бирктилган илк даврданоқ ишга жиддий киришди. Инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги гоёлагига содоқат, қонун олдидаги масъулият, шахс ҳуқуқлари, қонунчиликдаги янгиликлар ва бошқа мавзуларда ўтказилган машғулотлар ўқувчиларда қатъи қикизиш уйғотди.

Мактабда У.Карбаевнинг ташаббуси билан қонунчилик хонаси ташкил этилиб, у турли ҳуқуқий адабиётлар, кўргазмалари қуроллар, янги қонун ва



қарорлар, газета-журналлар билан жиҳозланди. Бу синф эндиликда талабалар энг кўп тўпланадиган жойлардан бири бўлиб қолди.

Албатта, талабаларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бериди. Илгарилари мактаб ўқувчилари томонидан оз бўлсада қонунга эид ҳаракатлар содир этил туринган бўлса, охири икки йил довомида биронта бундай

ҳолат қайд этилмади. «Навбахор» бизнес мактабининг кўп сонли жамоаси номидан ҳуқуқий тарбия борасида бизга яқиндан ёрдам берган туман прокуратураси ходимларига миннатдорчилик изҳор қилиб, уларнинг қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига муваффақият тилаймиз.

Ю.СОИБНАЗАРОВ, мактаб директори.

Суратда: учрашувдан лавҳа.



Матбуот ва ҳуқуқ

# ФАОЛИЯТИМИЗ КАФОЛАТИ

Маълумки, оммавий ахборот воситалари ҳар бир ривожланган мамлакатда халқ билан ҳокимият ўртасида ўзига хос ошкоралик кўзгуси, адолат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Шу боис, тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилади. Бизнинг давлатимизда ҳам оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Айниқса, мустақилликдан сўнг газета ва журналлар, радио ва телевидениенинг нуфузи ошди ва халққа янада яқинлашди. Энг асосийси, уларда хизмат қилаётган журналистларнинг эркин ва демократик йўналишда ижод қилишлари учун борча шaroитлар яратилди. Юртбошимизнинг ўзи журналистларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. У кишининг шахсан ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинди. Эътиборли томони шундаки, бундай қонунлар ҳали жуда кўплаб тараққий этган давлатларда ҳам мавжуд эмас.

«Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 16 моддадан иборат. Унда журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, соҳанинг сири, шу касб эгасининг дахлсизлиги батафсил, моддама-модда келтирилган. Қонуннинг 9-моддаси «Журналист текшируви» деб номланган. Унда «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга. Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжат олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас дейилган. Қонун журналистларга жуда катта имконият берган. Аммо, бундан биз тўлиқ фойдалана олаёلمизми? Афсуски, йўқ. Муаммоларни кўтараялмиз, камчиликларни ёзаялмиз. Бироқ, мамлакатимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган иқтисодий жиноятчилик, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, давлат мулкини ўмарош каби жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар фoш қилгандан сўнг маълумотномалар асосида «завқ-шаҳ» билан ёзаялмиз. Аслида, жамиятнинг оғрик жойларидаги дардини, биринчи навбатда журналист кўрсатиб бериши керак эмасми? Ахир, қонунда «Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Давлат журналиста ахборотни эркин олиш ва тарқатишни кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишда унинг химоя қилинишини таъминлайди», дейилган. Бу ҳар бир журналист учун катта имкониятлар яратиб беради. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб қўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» дейилган. Қонундан кўриниб турибдики, ахборот олишда журналист билан ахборот берувчи ҳам тенг жавобгар. Бу ўз вақтида икки томонга ҳам тенг масъулият юклайди. Бир сўз билан айтганда, журналистларимиз дадил ишлашлари учун юқоридаги қонун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар эндиликда журналистларимиз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши керак. Бизнинг вазифаларимиз эса қонунларга таянган ҳолда, халқ дилига яқин, ўқинишли, долзарб мавзуларда қалам тебратишдан иборат. Ана шундагина халқ биздан миннатдор бўлади. Бэъзан одамлар «Газеталарда ўқийдиган мақолалар кам, бир-бирига ўхшаш мақолалар кўп», дейишди. Бу гапларда бир оз бўлса-да, жон бор. Тўғриси, бунинг учун биз журналистлар оромдан воз кечиб, халқ ичига кириб боришимиз керак.

Ҳадемай, байрам! Ҳар бир ижодий жамоа байрам кунлари эришган ютуқларидан фaхрланади. Бой берилган имкониятларнинг сабабларини қидироди. Аммо, ҳар бир газета, ҳар бир кўрсатув ва эшиттириш қанчалар журналистларнинг умрини «эгов»лаш ҳисобига дунёга келишини ҳамма ҳам билавермайди. Байрам баҳона бу қийин касбнинг қаттиқ, аммо ширин номини еяётган бора касбдошларимизнинг оиласига омонлик, ўзларининг қалбини ижодий қувончлар тарқ этмаслигини тилаб қоламиз.



Сўрагдa: Сурхондарё вилоят ҳуқуқ-тартиб идораларининг «Адолат» телевидениеси ижодкорларидан бир гурӯҳи.

Биз ҳақимизда

## 27 ИЮН - МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

1996 йил Республика прокуратураси муассислигида «Қонун химоясида» журнали чоп этила бошлаганда, унинг келажаги порлоқ бўлишига кўпчилик ишонч билдирганди. Чунки, етилган шарт-шaroит, халқимизнинг ҳуқуқий наشرларга бўлган эҳтиёжи бунга асос бўла олди. Тахририятнинг ёш жамоасидан прокуратура ходимлари, малакали журна-



«Қонун химоясида» журнали ижодий фаолиятини химоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабули билан журналистларнинг ҳуқуқлари мустақиллик ва эркинликка эришишига эришилди.

лист ва матбаачилар ўз ёрдaм-ларини аямодилар. Жамоа тезда ўз, йўналишини топди, мақсад-вазифалари йўлида собитқодамлик билан одимлаёт бошлади.

Журнал чика бошлаганининг бир йиллиги муносабати билан Республика прокуратурасида катта йиғилиш ўтказилди. Унда қатнашган номдор ҳуқуқшунослар, ёзувчилар, журналистлар, қолаверса оддий журналхонлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар эканлар, бу каби наشرлар мустақил юртимиз учун жуда ҳам кераклигини алоҳида таъкидладилар. Билдирилган мулоҳазалар, тақлифлардан «Қонун химоясида» журнали ходимларида наشرга илова тарзида, алоҳида газета чикариш ғояси туғилди.

Дунёга келажак газета ихчам, ўқинишли, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида салмоқли ўрин тутадиган наشر бўлиши керак эди. Ҳамма ҳаракат ана шу мақсадга сафарбар қилиниб, ишлар давом этaverди. Ва ниҳоят, анча изланиш, меҳнатлардан сўнг 1997 йил 27 август кунини «Хуқуқ» газетаси дунё юзини кўрди. Бу прокуратура ходимлари ва тахририятимиз ижодкорларининг мамлакатимиз Мустақиллигининг 6 йиллигига

# «ХУҚУҚ» ШУНОСЛАР БИЛАН БИРГА

масъулияти устида бош қотириб ўтирган муҳбир, қўлига тушган мақолалар устида уйига ҳам кетмай хуноб бўлиб, қайта ёзиб ўтирган бўлим

муҳаррири, сарлавҳа қидириб хаёлга толган бош муҳаррир ўринбосарлари, куйди-пишди масъул қотиблар, ҳар бир сатр, мақола, саҳифа, сон учун жавобгарлик ҳисси билан буларнинг ҳаммасини ўз назорати остида ушлаб турган Бош муҳаррирларнинг чеккан заҳматлари маҳсули - босма-хона бўёғи қуриб улгурмаган газета ёки журналини қўллари-га олғач, унут бўлишини ҳис қилиш учун фақат журналист бўлиш шарт эмас.

Эрта тонгини, иш кунини газета варақлашдан бошлайдиган дўстларимиз бу касбнинг машаққатларини теран англайдилар, деб ўйлайман.

Байрам баҳона тахририятимиз ходимларидан айрилларининг суратларини чоп этиш лозим, деб топилди. Мусаҳҳишлар, компьютерчилар, рассаму суратчилар, терувчилару таржимонларнинг меҳнатини юқорида тилга олмаган эдик. Қарасак бўлмайдиган. Ахир, улар билан газета газета, журнал журнал бўлиб турибди-ху. Балки ҳамма бир жону, бир



Журналистнинг ҳарф тарувчиси Г.Ҳамидова ва мусоҳҳиш Ф.Бердурова.

Газетани қўлига олган одам саҳифаларни ярим соат, узоғи билан бир соат ичида ўқи чикади. Аммо ана шу «бир соатлик» газета қулаб, ҳафталаб чекилган машаққатлар, меҳнатлар, изланишлар эвазига чоп этилганини ҳамма ҳам билмаса керак. Ҳар бир сатр

тан дегани ҳам шудир. Зинҳор, миннат ўрнида эмас, бир йилда бир марта ижодкор ўз жамоаси ҳақида ҳам ёзиб туриши керак экан.

Бугун шунинг мавриди келди.

**Нодир МАҲМУДОВ,**  
«Қонун химоясида» журнали масъул қотиби.

Савол Сиздан...

Матбаачилик маҳсулотларини чоп этишда имтиёзлар бериладими?

**Б.УРАИМОВ,**  
Маргилон шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси «Нашрилик фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси талабларига мувофиқ болалар адабиёти, ўқув адабиёти, фан ва техникага оид адабиёт, норматив маълумотлар, қомусий қўлланма ва экспорт учун мўлжалланган матбаа маҳсулотлари, шунингдек, кўзи ажиз ва ногиронлар учун мўлжалланган наشرлар имтиёзли асосда чоп этилиши, қозғов ва бошқа ресурслар, шу жумладан матбаа қуввати билан таъминланиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи қанча амал қилади?

**О. ЭЛМУРДОВ,**  
Самарқанд вилояти.

Муаллифлик ҳуқуқи уни яратган кишининг бутун ҳаёти довомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб, эллик йил довомида амал қилади. Ушбу муддат довомида муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг меросхўрларига тегишли бўлади ва мерос бир шахдан бошқа шахсга ўтади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти довомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узок умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил довомида амал қилади.

## Қонун барчага баробар

# ЎСМИРЛАР ҲУҚУҚИ НЕГА БУЗИЛДИ?

Асрий орзулар ушалоётган ҳур замонда яшоямиз. Ҳар қанча истеъдоду маҳоратингиз, малагаю кўникмангиз бўлса намоён қилишга имкон бор. Илгарилари мон этилган кўп нарсалар йўлидан ғовлар олиб ташланди. Янги ҳаёт тарзи бизни ўз оғушига олмакда. Энг муҳими, илмга ва меҳнатга муносабат ўзгарди. Умумийлик ўрнини шахс манфаатлари ўстиворлиги эгаллаётган бўлади. Ва булар қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Ана шу ижобий ўзгаришлар натижаси ўлароқ, эндиликда эҳтиёж туғилган ва қонунларга зид бўлмаган ҳолларда ўсмирлар меҳнатидан ҳам фойдаланишга руҳсат бериб қўйилди. Бошқача қилиб айтганда, тарбия соатлари қуруқ вазониликдан онгли меҳнат жараёнига кўчирилди. Лекин ҳали ўсмирларнинг меҳнат ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашни билмайдиган раҳбарлар орамында топилмади.

Шайхонтоҳур тумани прокуратураси халқ таълими бўлимига қарашли 4 та болалар бўғчасида меҳнат қилаётган ўсмирларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси текширилганда қатор жиддий камчиликлар аниқланди.

Жумладан, 197-болалар бўғчасида ишлаётган хизматчилардан 4 нафари воёга етмаган ўсмирлардир. Уларга мавжуд қонунларга асосан

қўшимча имкониятлар яратилган. Ўсмирлар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилиб турилибди. Техника-ишлаб чиқариш хавфсизлиги қондалари билан мунтазам таништириб борилган. Лекин, синчков қонун посбонлари меҳнат Кодексининг муайян моддалари талаблари қўпол равишда бузилаётганлигини қайд этилди. Масалан, Н. Гофурова 1997 йилнинг 1 апрелида ёрдамчи тарбиячи сифатида иш бошлаган. Аммо меҳнат дафтарчаси 8 июн кунини очилган. Шунингдек, Н. Алимова, М. Гофурова каби ходимлар манфаатларига ҳам зид иш қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 143-моддасида кўрсатилишича, йиллик асосий таътил биринчи йил учун 6 ойдан сўнг берилди. 18 ёшга тўлмаган фуқаролар эса хоҳишларига кўра, 6 ой ўтмасдан таътил олишлари мумкин. Бу масалада ҳам одолатсизлик қилинган. Биз ҳикоя қилаётган бўғчада сансалорлик, ўзибўларчилик мавжуд. Қонунда, 16-18 ёшга бўлган ходимларга ҳафтага 36 соатлик, 15-16 ёшлиларга эса 24 соатлик иш тартиби белгиланган. Афсуски, бўғча мутасаддилари воёга етмаганларни ҳафтага 40-50 соатлик ишлатишган.

71-болалар бўғчасида ҳам аҳвол яхши эмас. М. Шокиржонова, Ш. Қайюмова, М. Усмонова, У. Исмоилова, Н. Ниёзова каби ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари

га пугур етказилган. Ўринли савол туғилади. Қонунбузарликнинг индизи қаерда? Аввало, ёшларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликларида, боғчалар раҳбарларининг ўзбекчиликка хос ажойиб фозилатларимизни оёқ ости қилаётганликларидир.

Мана бунга нима дейсиз: 71-болалар бўғчасида ҳалол меҳнат қилаётган ходимлардан бири Умида Исмоиловадир. Умида шу йилнинг 2 февраль кунидан бошлаб фаолият кўрсатаётган бўлса-да, мутасаддилар шу кунгача унга меҳнат дафтарчаси очишмаган. Бундай ҳолатларни 567-болалар бўғчасида ҳам кузатиш мумкин. Боғчада қонун ижроси текширилганда бу ерда ҳам уч нафар воёга етмаган ўсмирнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларига зид равишда иш соатлари 24 соат ўрнига ҳафтада 40-50 соатни ташкил этганлиги аниқланди. 1981 йилда туғилган Дилфуза Толипова 1997 йил 8 август кунинда тегишли буйруққа асосан ишга қабул қилинган. Лекин, унга ўз вақтида меҳнат таътили берилмаган.

Бундай аҳвол бошқа болалар бўғчаларида ҳам мавжуд. Сир эмас, баъзи кўп болали оилалар вақтинчалик бўлса-да, воёга етмаган фарзандларини ишга жойлаштиришяпти. Қалби пок, не-не орзу-хавослар билан яшаётган инсонларни қўллаб-қувватлаш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўла таъминлаш фарзидир. Буни яхши била туриб қонунбузарлик қилаётган кимсалар фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин?

**Х. МЕЛИЕВ,**  
Шайхонтоҳур тумани прокуратури ёрдамчиси.  
**М. ҚУРБОННИЁЗОВА.**

## Афсус...

Пойтахтнинг Юнусобод тумани 3-мавзесидаги «Йўлдош ўғли Бахтиёр» кафеси ҳўрандалар билан гавжум. Биров шунчаки овқатланаяпти, бошқа биров киттай-киттай отиб, кайф қилапти. Ана, ўртадаги бош столга Содиқ Азимбоев ва нотаниш аёл келиб ўтирди. Ўртада яримта «бўйни дароз». Хуштаъм тоалару, солкин ичимликлар. Орадан бироз вақт ўтган, улар сафига яна бир эркак - Дилшод Содиёв келиб қўшилди. Шиадоги ороқ қадохларга кўйилди. Эзгу тилақлар айтилди. Учовлоннинг кайфлари тароқ бўлган бир пайтда қаторларига тагин бир киши қўшилди. Тўртволон ичкиликбозликни оғж олдиришди. Бирин-кетин шиа-лар бўшанган сойин ичувчилар-

алдомақчимисан? Хе, опангни...

- Ие, нега менинг опамни сўксан? Тур, яхшиши нарийги столга ўтайлик. Бу ерда ҳар ҳолда аёл киши бор.

Уч бадмаст бу ерга биринчи бўлиб келган эркак ва аёлни қолдириб, бошқа стол атрофида тизилишди. Табиийки, хурсандчилик учун, дея тагин ўртага ороқ кўйилди. Аммо у хурсандчилик эмас, хафогарчилик келтирди. Ораларида жанжал келиб чиқди. Қутилмаганда Зокир Асосиди ошхона Биносининг орт томонига судраб кетди. Унинг ортидан Дилшод ва Содиқлар ҳам эргаштишди. Ошхонанинг ортида эса ур-йикит оғж олди. Ким-кимни ураганина, ким-кимни сўкаётганини англаш қийин эди, ниҳоят тарафлар аниқланди.

# АРОҚ АВВАЛ «ШЕР» ҚИЛАДИ...

нинг бошларидан эс-хушлари учиб, бўш хумга ўхшаб қолди. Шунда яна бир меҳмон - Асад Юсуфхўжаев келиб қолди. Унга ҳам икки-уч бор қадох узатишган, кайфи ошиб, Зокир Исмоиловнинг гашига тега бошлади:

- Хой, ҳали ҳам тирикмисан?  
- Бу нима деганинг, тириклигимни кўриб турибсан-ку!

- Мана кўриниб турибман-ку! Сенга яна нима керак? Мана бунин ол, отиб олайлик, кейин гапашамиз.

Зокир шиадоги ороқдан кўйиб, унга узатди. Бирок, маст Аҳад яна бидирлай кетди.

- Нима, мени шу ороқ билан

Асад Юсуфхўжаев бир томон-у, қолган уч бадмаст барзани бир томон бўлди. Ур-йикит - бир-бирорига тош отишга айланди Кейин эса қўл «жангига» ўтишди. Охири Асад чилларчин бўлиб ерга қулади. Учовлон эса бодтар гозаб билан уни ура-тепа кетишди. Жанжалкашларнинг уст-бошлари йиртилди, қонга банди. Асад Юсуфхўжаев эса кучли телкиликлар зарбидан беҳуш бўлиб ётиб қолди.

Жанжални узоқдан кўриб кузатиб турган икки ўқувчи бола милицияга хабар қилиш учун чопди. Милиционерлар етиб келишганида Асад Юсуфхўжаев қонга беланиб ётарди, бошқа жанжалкашлар эса «кўён» бўлишганди. Дарҳол «тез ёрдам» чақирилди. Аммо бу ҳаракат бефойда бўлди. Негаки, жабрдийда аллақачон жан таълим қилган эди.

Милиция ходимлари эса ҳали узоққа қочиб улгурмаган ҳолатларни излаб топиб, ҳибсга олишди. Қотиллар қилган жиноятларига қор бўлмасликка анча уриниб кўришди. Бирок, иш қонуний тарзда яқун топди. Қотиллар қилмишларига яраша жазоларга мубтало бўлишди. Ҳар учовлари ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» ва «п» бандлари билан айбдор деб топилди. Суд Зокир Исмоиловни 17 йилга, Дилшод Содиёвни 15 йилга, Содиқ Азимбоевни 16 йилга озодликдан маҳрум этди...

Шу билан гап тамом, вассалом, деб мақоламизга ҳам нукта қўйишимиз мумкин эди. Бирок, беҳиётёр ўйлаб қолсан киши: Нега бир кишининг ҳаёти бевақот сўндию, уч киши узоқ муддатта озодликдан маҳрум бўлди? Бунга сабаб нима?

Сабаб шундаки, улар ўзи оқу, қилиши қора ороққа ружу қўйиб, инсоний қиёфаларини йўқотишган эди. Шунинг учун ҳам жомоат ҳойлариде сўкинши, жанжаллашиш, хатта одам ўлдиршидан тап тортишмади. Бунинг оқибати эса қорқорида беён қилганимиздек, фожиа билан яқун топди. Бу аянчли воқеа «хурсандчилик учун» деб ороқ ичувчи қалтабинларга сабоқ бўлиши керак. Ақс ҳолда улар ҳам бир кунмас-бир кун доғда қолишлари ҳеч гапмас.

**Ш. ҚУРБОНОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори.  
**Мурод КАЛОНХОН,**  
журналист.

## Қилмиш-қидирмиш

# КЎРШАПАЛАК

Кўршапалак ёруғликни ёқтирмайди. Шу боис у қоронғуда учади. Худди шунга ўхшаб, озодликни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам бўларкан. Уларни беҳиётёр кўршапалак одамлар, десак янглишмаймиз.

Пойтахтлик Ян Алиқ Николаевич худди шундайлардан. Ян ҳали балағат ёшига

етмай туриб, Ҳамза тумани судининг ҳукми билан олти йилга озодликдан маҳрум этилган эди. У бундан тўғри хулоса чиқариб олмади. Оқибатда жазонини ўтаб қайтган, яна жиноятга қўл уриб, тагин келган жойига 4 йилга қайтиб кетди. Бирок, бу гал ҳам Ян тавбасига таянмади.

Ақсинча, кетма-кет жиноятга қўл ураверди. 1982 йилда 7 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Умумий ҳисобда 46 ёшли бу жиноятчи яшаган умрининг 22 йилини озодликдан маҳрум этилган ҳолатда ўтказди. Ян 44 ёшга тўлган бўлса, демок, бу енига бироз қўюлгандир, яъни умрининг қалган қисмида бундоқ одамга ўхшаб яшашига аҳд қилгандир, дейсизми? Бе, қоёқда! Ян ўзи танлаган жиноят йўлидан бир умр чикмасликка аҳд қилган, шекилли. Ақс ҳолда у тагин жиноятга қўл урмасди.

Уш кўни у ўзи яшайдиган қурувчилар кўчасидаги жомоат жойида Л. Сейфутдинов ва яна икки ороқхўр билан ичкиликбозлик қилди. Кайфи ошган, одатига кўра жанжални бошлаб юборди. Сейфутдиновни бўйиб, ура бошлади. У қаршилик кўрсатган эди, тўтқиб кетди. Гозаб билан бечорани ўлдирмоқчи бўлиб, бўйнига пичоқ санчди. Сейфутдинов қутилмаган бу зарбодан довдираб, йиқилди. Хайриятки, шу лаҳзада шиадошлари - тергов чоғида шахси аниқланмаган Фарҳод ва Сергейлар орага тушиб, Сейфутдиновни сақлаб қолишди. Ақс ҳолда ашаддий безори унинг бўйнига яна пичоқ санчгани аниқ эди. Шундай қилиб, Ян одам ўлдиршидек қабих мақсадини охирига етказолмай қолди. Тўғри, Сейфутдинов касалхонада ётиб, доволаниб чиқди. Зеро, жиноятчи Янга ҳам гуноҳига яраша жазони ўтаб, поклониши учун 13 йил муддат берилди.

Энди у бу жазони ўтаб қайтганида 57 ёшга тўлган бўлади. Билмадик, озодликка чиқса Ян умрининг қалган қисмида қандай яшаркин? Ё тагин... Худо асрасин! Бундайларга яратганинг ўзи инсоф бермаса, бандасининг насихати бефойда!

**Х. ТУРДИБОВЕВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари.  
**Р. КАЛОНХОНОВ.**

## Тошкент шаҳар прокуратурасида

# УМУМЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Кўн тартибидеги биринчи масала юзасидан шаҳар прокурори М.Наимовнинг «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 1998 йил 13 мартдаги ҳайъати қарорига асосан, Республика прокуратураси ташкилий назорат ва таҳлил ороқ башқармаси томонидан ўтказилган текшириш яқунлари юзасидан ахбороти тинганди.

Судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, шаҳар прокурори катта ёрдамчиси С.Ниёзатовнинг ахбороти туман прокуратураларида даъво аризаларини кўзгатиш, моддий зарарларни ихтиёрий равишда ва реал ундиришликка қаратилган прокурорлик фаолиятини умумлаштириш масаласига бағишланди.

Кўн тартибидеги учинчи масала юзасидан шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Агазов «Тошкент шаҳар прокуратурасининг 1998 йил 2-яриги учун белгиланган иш режасининг лойиҳаси» юзасидан ахборот берди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)



Суратда: Сирғали туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимларининг ҳамкорликдаги рейди.



«Хукук» сабоқлари

Хукукий жамият куриш йўлидаги энг долзарб вазифалардан бири фуқароларнинг хукукий онгини оширишдир. Бу борада аввало, фуқароларга хукукий...

Ана шундай муаммолар келиб чиқишининг олдини олишга ёрдам бериш мақсадида газетхонларимизни суд органлари фаолияти билан таништиришни...

- Республика Олий судининг вазифалари нималардан иборат?

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 - моддасига мувофиқ Олий Суд - фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокими...

- Олий Судда масалаларни қўриб чиқиш тартиблари ҳақида гапириб берамиз.

- Олий Суд ўз фаолиятини асосан, учта босқичда амалга оширади: Биринчи босқичда - Олий Суднинг судлов ҳайвотлари уч судьядан иборат таркибда ишларни кассация ва назорат тартибда кўради.

Иккинчи босқичда - Олий Суд раёсати ишларни назорат тартибда кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўради; Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қўрғоқчи Қўчлар Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди; судлов ҳайвотлари ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради; қонун ҳужжатларига ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Учинчи босқичда - Олий Суд Пленуми асосий ваколатлари доирасида суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалаларини юзасидан дастурий кўрсатмалар беради, ишларни назорат тартибда кўради. Муайян ишларни назорат тартибда кўриш чоғида Олий Суд судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Республика Бош прокурорининг ҳулосаси эшитилади. Муҳокамадан сўнг, протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишлари мумкин эмас. Протест юзасидан қарор Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кўпчилик овозини олманган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қароб, бошқа таклифлар овозга қўйилади. Қабул қилинган қарорга қарши бўлган Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма ровишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлисининг ёзма баёнига қўшиб қўйилади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Олий Суд Пленуми энг юқори суд босқичи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суду судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради. Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия вазирлиги катташадиди. Олий суд раисининг таклифига биноан, Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

ОЛИЙ СУД: УНИНГ ВАЗИФАДАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

публикаси Бош прокурори, Адлия вазирлиги катташадиди. Олий суд раисининг таклифига биноан, Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

- Демак, охириг ҳулосани Олий суд Пленуми чиқаради. Пленум қарорлари устидан ҳам протест берилиши мумкинми?

- Ҳаракатдаги ЖПКнинг талаби бўйича, фақат Олий суд Пленуми муайян иш бўйича ўзининг олдинги чиқарган қарорини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий суд раиси тоқдимнома киритиш ҳуқуқига эга. Олий суд раёсати қарорлари устидан Пленумга протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар эса Пленум қарори устидан протест билдириши Олий суд раисидан илтимос қилишлари мумкин. Бу илтимослар Олий суд раиси учун мажбурий эмас.

- Биринчи босқич суди қарорлари устидан норози томонларнинг шикоят бериш тартиби ва уни кассация босқичида кўриш мuddати тўғрисида тўхталсангиз.

- Ҳаракатдаги ЖПК ва ФПКлар талабига биноан, кассация шикоятлари ва протестлари кассация босқич суди номига ёзилади, лекин ҳукм ҳал қилув қарори ёки ажрим чиқарган суд орқали берилади. Бу ўринда шунинг таъкидлаш лозимки, Жиноят процессуал кодексининг 479-моддасига биноан, муайян жиноят ишлари бўйича судланган, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари суднинг ҳукми, ажрими, қарори устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса протест келтиришга ҳақлидирлар. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига асосан, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари устидан фақатгина томонлар шикоят бериш ҳуқуқига эгадирлар. Шундай экан, бошқа шахсларнинг шикоят беришларига хукукий асос мавжуд эмас. Жиноят процессуал кодексининг талабига кўра, биринчи поғона суднинг ҳукми ёки ажрими устидан шикоят ва протестлар улар эълон қилинган кундан эътиборан, ўн кунлик мuddат ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томони...

дан эса унга ҳукми ёки ажримнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу мuddат ичида берилиши мумкин. Тарафлар шу мuddат давомида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир. Белгиланган мuddатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади. Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш мuddати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда кассация тартибда шикоят бериш ёхуд протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга мuddатни тиклашни сўраб, мурожаат қилишлари мумкин. Бу мuddатни тиклашни рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёхуд протест бил...

шахслар қонунда белгиланган мuddатни суд узрли, деб топган сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлсалар, мазкур мuddат тикланади. Ўтказиб юборилган процессуал мuddатни тиклашни рад этиш тўғрисида суд чиқарган ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Ушбу кодекснинг талабига мувофиқ судья ёки суд раиси кассация шикояти ёки протестини олгандан сўнг ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган мuddат ўтган вақтдан эътиборан, ўн кун ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга кассация босқичи судига юбориши шарт.

Ишни кассация босқичида кўриш мuddатларига тўхталадиган бўлса, бу ерда ҳам мuddатлар турлича белгиланган. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда кассация ёки назорат босқич суди жиноят ишини шикоят ёки протест келиб тушган кундан бошлаб 15 кунлик мuddат ичида, Олий Суд эса, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим.

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суд раиси бу мuddатни кўпи билан 15 кунга, Олий Суд раиси ёки унинг ўринбосари эса кўпи билан бир ойга ўзгартириши мумкин.

Фуқаролик ишларини кассация босқичида кўриш мuddатлари бироз фарқлироқ белгиланган. Фуқаролик процессуал кодексига биноан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда кассация шикояти ёки протести бўйича тушган иш у келиб тушган вақтдан эътиборан, 20 кундан кечиктирмай қўрилиши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суднинг раиси бу мuddатни кўпи билан яна 10 кунга кечиктириши мумкин.

Олий Суд кассация шикояти ёки протести бўйича ишни у келиб тушган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Олий Суднинг раиси ёки унинг ўринбосари бу мuddатни кўпи билан яна бир ойга кечиктириши мумкин.

Албатта, ишни кассация босқичида кўриш мuddати кечиктирилган тақдирда томонларга иш қўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим. Қўриб турганингиздек, агар Олий Суд олиб бораётган ишлар тўғрисида гапирадиган бўлса, ҳаливери сўхбатимиз тугамойди. Сабаб, ишмииз жиддий жараёнлардан иборатдир. Шунинг учун ҳам фуқароларни қизиқтирган энг муҳим жараёнлар ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдим. Уйлайманки, ушбу сўхбатимиз орқали фуқаролар Олий Суд фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида қисман бўлса-да, тушунчога эга бўладилар.

- Жавобларингиз учун ташаккур.

М. БОЛЛИЕВА, Д.АЛЛАКУЛОВА.

Мақтуб

АЁЛ ҚАДДИ БУКИЛМАСИН

«Хукук» газетасининг 1998 йил 27 май сонида босилган Фарҳод Гофуровнинг «Қуримагам доқа рўмо» мақоласи эътиборимни тортди. Мақсад битта - фожиага айланмак воқеаларнинг олдини олиш, нураб бораётган оилани сақлаб қолиш.

Олдий ўзбек аёли Анара бир томондан эрининг уқувсизлигини, оила бешигини тебратолисизлигини, иккинчи томондан, унинг бўлар-бўлмаста дўппаслашларидан азоб чекади. Фақат болалар унга суяк бўлади. Ҳаётга умид уйғотоди.

Эрининг оилада тулган ўрни маълум. Ўзгорни бошқариш оила бошлигининг зиммасида эмасми? Айрим аёлларимиз оила бошлигининг мусовиятсизлигини Бозорга боришга мажбур бўлишмаёптики, деган саволлар мени ҳар қандам таъжиб этоди.

Бир иш билан Жанубий темир йўл вокзалига бориб қолдим ва кечқурун вокзал ёқинида чай, турли ёғилликлар сотётган аёлларга қўзим тушиб қолди. У ерда 10-11 ёшлардаги бола билмасдан хоним сотётган аёлларнинг тоғорасини туртиб юборди. Жанжал ана шундан бошланди. Хотин титиматан болани дўппослар, ҳақоратли сўзларни унинг оғзидан отилиб чиқар эди.

Ўқоридиги ҳолат - эрининг маъсулиятсизлиги аёлларни асабийлаштириб «эркакча сўкишларга ўргатаман» деган ушбу ҳолат билан ёпилиб турмоғи лозим. Ана шу камчиликни ёпиш ҳазирги кун нуқтаи назаридан олиб қараганимизда кўпроқ аёллар зиммасига юкланмоқда, албатта.

«Хукук» газетасини мутлоқ қилиб борар эканман, оиланинг мустақамлиги бўғунги куннинг долзарб муаммоси эканлигини англаб етдиман. Унинг саҳифаларида ана шу буюк, бебаҳо кичик жамият - оила ҳақида мунозаҳада ва мунозаралар юритилаётгани яхши. Ҳулладан, «Оила қуришга тайёризмиз», «Интиқом», «Билмасин босдим тиканим» мақолалари фикримиз далилидир.

ЗухрашОН ЭШМАТОВА, ТошДУ талабаси.

Исон ҳуқуқлари - олий қадрият

**Яқинда мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари Давлатёр ХУДОЙБЕРГАНОВ хузурида бўлиб, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси йўлида прокуратура идоралари томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида сўради.**

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан фуқароларнинг жиноий ва бошқа таъвозулар оқибатида бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган 1997 йилда содир қилинган жиноятларнинг 82,2 фоизи фаш этилиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортиди. Жабранувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун йўли билан тикланди.

Прокурорларнинг умумий назорат тартибиде келтирган протестлари асосида амалдаги қонунларга хилоф равишда қабул қилинган 368 та ҳуқуқий актлар бекор қилинди. Айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқлари қамқовчилик йўли бўлган мансабдор шахслар жавобгарликка тортидлар.

Текшириш натижалари Республика прокуратурасининг ҳайъат ва тезкор ийгилишларида кўрилиб, йўл қўйилган қамқовчиларни бартараф қилиш чоралари белгиланди. Эътиборсизликка йўл қўйган айрим ходимлар интизомий жазога тортиди. Шу билан бирга умумлаштириларнинг кўрсатишича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ушлаш, ҳибса олиш, қамқовда сақлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш вақтида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишга доир фаолияти ҳали амалдаги қонун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Дастлабки тергов ва суд жараёнида қамқовчилар, хатолар, нуқсонлар ва қонун бузилиш ҳоллари ҳамадан умрамоқда.

Судда қўрилган ишларнинг аксарияти тўғри хал этилган бўлишига, прокурор иштироки 96 фоиз таъминланганлигига қарамай, мутахассисларнинг қасб маҳорати етарли даражада эмаслиги ва бошқа қатор сабабларга кўра, қонуний суд қарорларини вақтида бартараф этишга эришилмаяпти.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишни судга юборишга қадар бўлган жараёнда ҳам поймол қилинишига йўл қўйилмаяпти. Бу ҳолат дастлабки тергов устидан прокурор назоратининг талаб даражасида эмаслиги, сифати пастлиги, баъзи суриштирув-тергов ходимлари ўз хизмат вазифасини бажаришга масъулиятсизлик билан қараб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ваколатларига бефарқлик билан муносабатда бўлишганликлари кўрсатади. Далиллар тўплаш, уларни текшириш ва мустаҳкамлаш ишларига юзакли муносабатда бўлиниб, айбни тасдиқловчи ёки инкор этувчи аҳомиётда молик

## ВАКОЛАТ ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

масалаларга эътиборсизлик билан қараш ҳолларига ҳамон чек қўйилмаётди. Натижада фуқароларни асоссиз равишда ушлаш, қамқов олиш, тинтув ўтказиш, хатто жиноий жавобгарликка тортиш каби ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилмоқда. Масалан, Фарход Иброҳимов Беруний туман ИИБ бошлигининг ўринбосари вазифасида ишлаб, 1996-1997 йиллар давомида хизмат вазифасидан четга чиққан ҳолда мансабидан жиноятқарона фойдаланиб келган. Ҳазрат хон, кўланкаси майдон, кўнглига келган иш билан машғул бўлган. Тўймағиллик мақсадида Беруний туман «Саломатлик» маркази бош враччи Нуриддин Йўлдошевни ИИБга чақириб, вақтинча ушлаб туриш қамқовчилик ҳолатида ҳеч қандай ҳужжатсиз ушлаб, 50 минг сўм талаб қилиб 30 минг сўм, «Осмон» фирмасида ишловчи Отабек Жумабоевни бир ярим сутка қонунсиз ушлаб туриб, 80 минг сўм талаб қилиб 50 минг сўм, фуқаро Эргаш Эшимбетовни қамқов ташлайман, деб кўрқитиб, 50 минг сўм пулини олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиди.

Нукус шаҳар ИИБ жиноят кидирув бўлими ходими Р. Тўраевнинг тўралиги ҳам берунийлик ҳамқасбчиникидан сира қолишмайди. У 1998 йил 7 март кунги фуқаро К. Бронислав ва А. Есимбетовларни ўғирликда гумон қилиб ушлаган. Тергов даврида «агар ўғирликни бўйинингизга олмасанлар мана бу нашонни чўнтақларингизга ташлаб, ўғирликка нашонни ҳам қўшиб жавобгар қилман, противогаз кийдиранман», деб кўрқитган. Уларнинг инсоний ҳақ - ҳуқуқларини поймол қилган. Бугунги кунда Р. Тўраевага нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яна бир мисол. 1997 йил 3 декабрь кунги Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлими терговчиси Т. Каримбоев Кўнғирот туман Ажиниёз жамоа ҳўжалиги бўйим бошлиқлари Бугаев ва Алламуродовларни 8 тонна шолини Рустам Тўраевага 100 минг сўмга сотиб ўзлаштирилганлиги факти бўйича кўзгатирилган жиноят иши юзасидан 3 сутка қонунсиз равишда ушлаб тургани учун терговчини интизомий жазога тортиш ҳақида қарор чиқарилиб, ИИБга жўнатилди. Биз бу борадаги ишларга алоҳида эътибор бераямиз. Чунки халқ ҳуқуқ - тартибот идораларига ҳақорат эшитиш, қийноққа солиниш учун эмас, балки наҳот истаб, поймол қилинган ҳуқуқим тикланар, деган ҳолис илинж билан келади. Биз уларнинг инсончини оқлашимиз, республика қонунлари даражасида ишлаганимиз керак. Бугунги ислохотлар, қолаверса ҳуқуқтаъминининг ҳам талаби айнан шу.

Республика прокуратураси томонидан ўтган йилда хизмат маъқевдон фойдаланиб пара олгани ва пара олди - берди-сида воситачилик қилгани учун 13 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши кўзгати-

либ, айблов ҳулосаси билан судга юборилди.

Энди судлар фаолиятига ҳам тўхталиб ўтас. Битта эътиборли факт бор. Республика судлари томонидан 1997 йилда биттагина иш бўйича 2 та шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган, холос. Гарчанд, судлар томонидан оқланган шахслар сони кўп бўлмаса ҳам, аммо фуқароларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортишга умуман йўл қўйиб бўлмайдиган, фавқулодда ҳол, деб қараш лозимдир. Конституция ва халқро ҳужжатларда эътироф этилган, фуқароларнинг ишларининг ҳолисона ва тезкор судда хал этилишига бўлган ҳуқуқларини поймол этувчи, адолатсиз суд қарорларининг кўпчилиги қисми қасоция ва назорат босқинчилирида бекор қилинмоқда ёки ўзгартирилмоқда.

Оқори босқинларда қайта кўриб чиқилган ишларнинг таҳлили судлар айрим ҳолларда оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан беҳуда кўнгличанлик қилиб енгиллик бераётганини, ақсарият ҳолларда биринчи марта судланаётган, вояга етмаган ёшларга ижтимоий ҳовфлик даражаси унча юқори бўлмаган жиноятлари учун узок мuddатга озодликдан маҳрум қилиш ҳазорларини тайинлаётганликлари кўрсатади.

Жумладан, Беруний туман судининг 1997 йил 4 июнь кунги ҳукми билан судланувчи Азат Розимбетов ЖКнинг 136-моддаси билан айбдор деб топилди, уч йилга озодликдан маҳрум қилинган. Унинг айбидан ЖКнинг 25-118-моддаси 3-қисми «а» банди чиқарилган. Судланувчи Нурилла Розимбетов ва Азат Адамбаев ЖКнинг 27-136-моддаси бўйича айбаниб, ҳар бири уч йил мuddатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган.

Тергов органи томонидан аниқланганича, судланувчи Азат Розимбетов 1981 йил 29 январда туғилган М.ни ўзига хотинликка олиш мақсадида таниши Азат Адамбаев ва қориндоши Нурилла Розимбетов билан олдиндан жиноий тил бириктиради. 1997 йил 20 март кунги кеч соат 20.30 лар чамасида кўчада кетиб бораётган М.ни Нурилла тегишли бўлган «Москвич-408» марколи автотоминасига мажбурлан мингизиб, таниши Саъдулла Рейимбаевнинг уйига олиб борган Азат куч ишлатиб у билан жинсий алоқа қилмоққа уринади.

Жиноят ишини судда кўришда давлат айбловини туман прокурори ёрдамчиси М. Матмуратов қувватлаган. Лекин Азат Розимбетовга Ўзбекистон Рес-

публикаси ЖКнинг 136-моддаси билан 2 йилга, 25-118-моддаси 3-қисми «а» банди билан 11 йилга, 59-моддасига кўра, жиноятларни қисман қўшиб йўли билан 13 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш, Н. Розимбетов ва А. Адамбаевларни ЖКнинг 27-136-моддаси билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси сўралган бўлишига қарамасдан, Матмуратов суднинг бу қонунсиз чиқарилган ҳукми билан қелишган.

Суд ҳукми Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатида жабранувчи М.нинг қасоция аризасига кўра кўриб чиқилиб, Беруний туман судининг ҳукми бекор қилинди ва янгидан қўриш учун Тўрткўл туман судига юборилди. Аммо, Тўрткўл туман суди судьяси Л. Раҳимов бу жиноят ишини ўз вазифасига бепарво қараб, кўриш учун 1997 йил 10 сентябрда бориб тушган бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 395-405-моддаларининг талабларини бузади. У 1997 йил 30 октябрда Н. Адамбаев суд мажлисига келмагани учун деб, иш бўйича судланувчи Азат Розимбетовнинг қамқовда сақланаётганлигига қарамасдан, ишнинг унга тегишли қисмини тўхтатиб, судланувчи Азат ва Нурилла Розимбетовларга тегишли қисмини суд мажлисида кўриб, ЖКнинг 420-моддаси талабини қўпол равишда бузган, ишни тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарган.

Бу ажримга Республика прокурори томонидан назорат тартибиде келтирилган протест Олий Суд Президиумида қўрилиб, қаноатлангилди. Тўрткўл туман судининг 1997 йил 30 октябр кунги ажрими бекор қилиниб, шу суднинг ҳукми билан А. Розимбетов 12 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

1997 йил ва 1998 йилнинг 4 ойи давомида Республика судлари томонидан ЖКнинг 57-72-моддаларини қўлланиш амалиёти ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилди. Умумлаштиришлар давомида бир қанча хато ва қамқовчиларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, фуқаро Мухит Курбонов 1997 йил 7 сентябрь кунги кеңги соат 23 ларда Амударё кинотеатри ёнида 3.ни кўриб қолади. У ўзини Мухит деб таништириб, 3.ни кинотеатр орқасига судраб, зўрлоқ номусига тегади. Бу факт бўйича жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари аяқланганч, Нукус шаҳар судига юборилади. Суднинг 1998 йил 12 феврал-

даги ҳукми билан унинг ҳаракати ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а» бандидан, шу мuddатнинг 1-бандига қайта шваификация қилиниб, 4 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ва ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, жазо 2 йилга шартли синов билан алмаштирилиб, М. Курбонов суд завлатидан очикка чиқарилган. Давлат айбловини Нукус шаҳар прокурори ёрдамчиси М. Нуранбетов қувватлаган ва 5 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганини сўраган. Лекин суднинг енгил жазо тайинлагани билан қелишиб қўя қолган. У ўз фикрини қатъий ҳимоя қилган.

Бу жиноят ишига Республика Олий суди раиси назорат тартибиде жабранувчи аризасига мувофиқ протест келтирилган ва ҳукм жазо енгил бўлгани учун бекор қилиниб, бошқа тартибда кўриш учун юборилган.

Беруний туман судининг 1997 йил 19 июнь кунги ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топилди, 2 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, 1 йил синов мuddати белгиланган Нурилла Мингбоевга нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилиниб, ишни қайта терговга юбориш учун назорат тартибиде протест берилди. Дастлабки тергов материалларига кўра, Н. Мингбоев маст ҳолда яширин равишда туңги соат 2 ларда фуқаро М.Йўлдошевнинг мол кўрасига кириб, унинг бир босқигирини ўғирлаб, 500 метр жойга олиб бориб қўяди ва яна қайтиб келиб, Сарсенбаевларнинг боғлик турган бошқа молларини бўшатиб юборган пайтда уй эгалари томонидан ушланади. Унинг ҳаракатларида безорилик эмас, болки ўзгаларнинг мулкани яширин равишда ўғирлаш жинояти аломатлари мавжуд. Жиноят иши назорат тартибиде ўрганилиб, суд ҳукми бекор қилиниб, назорат тартибиде протест берилди. Протест Олий суд Раёсатида кўрилиб, қаноатлангилди.

Албатта, биз бу билан республика ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, суд ва ички ишлар органлари фаолиятида нуқсонлар кўп ёки ислохотлар кўнглидагидек амалга оширилмаяпти, дейиш фикридан узокмиз. Қолаверса, бизнинг мақсадимиз воқолат даражасида ва доирасида ишлаганида давлат этиш, қонунлар ижроси назоратини қучайтиришдир. Зеро, қонунларнинг бир хилда ва аниқ амалга оширилиши воқолат олдида масъулиятни тероан ҳис қилишдан бошланади.

Бозорбой УЛЛИБОЕВ  
ёзиб олди.

Суд залидан

### ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Каттақўрғонлик Бахтиёр Назировни яна шайтон йўлдан урди. У «Тошкентга меҳнат қилиб пул топаман», деб келганди. Аммо, у яна кўнгли кўчасига кириб, ўғирликка қўл урди. Қўйлик бозорига мева-чева сотиб ўтирган Г. Бобоевнинг 15030 сўмлик маҳсулотини ўғирлаб, бошқа бир олиб сотарга пуллаб юборди.

Меваларидан маҳрум бўлган Г. Бобоева аввалига дардини худого айтиб қолаверди. Ёнидаги деҳқонлар эса унга ақл ўргатиш-

ди. Дардингни худого эмас, милицияга айт, дейишди. Шундан сўнг ички ишлар ходимлари тезда ишга киришиб, ўғрини бир пасда тутишди. Б. Назировнинг ўз қилмишини тан олишдан бошқа иложи қолмади. Суд унинг қилмишини «муносив» баҳолаб, 7 йилга озодликдан маҳрум этди. Энг ажаблანарлиси, Б. Назиров илгари ҳам ўғирлик қилгани учун судланган экан.

Ўрганган кўнгли, ўртанса қўймас, деб шуни айтишса керак-да.

Н. МИНГБОЕВ,  
Бектемир туман прокурори ёрдамчиси.



«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ижроси назоратда

**«Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасидаги ушбу қоида мамлакатимиз барча фуқароларига ўзлари истаган динга сийноҳ, эътиқод қилиш, урф-одатларга амал қилиш каби эркинликлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини кафолатлайди. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган мустақил Ўзбекистонимиз Ассий қонунининг ҳар бир банди юртимиз фуқаролари учун энг ривожланган, юксак маданиятга эга мамлакатлардаги каби шарт-шароит яратиб берганлиги шак-шубҳасиздир. Айни пайтда мамлакатимизда яшайдиган барча фуқаролар қайси миллат ва эллатга, қайси динга мансуб эканлигидан қатъий назар ана шу конституциявий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Лекин масалани бошқа бир томони ҳам борки, ҳар бир фуқаро конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишда қонунга ва мавжуд қонунлар асосида ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этишлари шарт.

Аммо, афсуски, баъзи жойларда

# ҚОНУН КАФОЛАТ БЕРАДИ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛИНИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

мавжуд қонунларни яхши билмаслик оқибатида диний ташкилотлар, яъни масжидларда тегишли тартиб-қоидаларга риоя этилмайпти. Бу эса ўз навбатида айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, «Диний жомалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолияти қонунийлигини ўрганиш бўйича идораларро мувофиқлаштирувчи комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармонидаги жойлардаги ижросини ўрганиш чоғида қатор туманларда қўллаб масжидлар тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётгани аниқланди.

Айниқса, Жарқўрғон туманидаги

аҳвол ниҳоятда ажабланарли. Бу ердаги мавжуд 25 та масжиддан бор йўғи 6 таси рўйхатдан ўтказилган, холос. Ёки, Бойсун туманида 19 та масжид мавжуд бўлишига қарамай, улардан фақат икитаси давлат рўйхатидан ўтган. Шунингдек, Шўрчида 6 та, Қумқўрғонда 5 та масжид ноқонуний фаолият юргизаяпти. Шерободда эса 11 та масжиднинг фақат биттаси расмийлаштирилган.

Хўш, нега шундай? Уларнинг давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолият юритишлари учун нима ҳалақит бераяпти?

Ўрганиш натижалоридан келиб чиқиб, ушбу саволларга шундай жавоб бериш мумкин: жойларда рўйхатдан ўтказилмаган масжидларнинг аксариятида

Меҳнат Кодекси, ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена талабларига риоя этилмайпти. Қонунга мувофиқ масжидлар диний ташкилот ҳисобланиб, юридик шахс сифатида фаолият юритиши, тегишли равишда ўз низомига эга бўлиши ва ана шу ҳужжатда белгиланган тартибда иш олиб бориши лозим.

Вилоят адлия башқармаси текширув натижаларига баёишлаб ўтказилган йиғилишда жойлардаги масжидлар му-тасаддилари, маҳаллий раҳбарлар, ҳокимликлар вакилларига Президент фармони, шунингдек, Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун атрафлича тушунтирилди.

Маҳалла фаоллари, ҳокимликлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари вакиллари иштирок этиш ушбу йиғилишларда жойларда диний ташкилотлар фаолиятини тегишли равишда ташкил қилиш, мавжуд қонунларга қатъий риоя этиш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

**К. ЧОРИЕВ,**  
Сурхондарё вилояти адлия башқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи.

Прокурор назорати

Конституциямизнинг 52-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».

Мустақил она диёримизни кўз қорачиғидек асраш, уни муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг муқаддас вазифасидир. Ҳарбий бурчни ўташ эндиликда ҳар бир воёга етган ёш йигитнинг бурчи бўлиб қолди. Афсуски, бу муқаддас бурчни ҳамма ҳам тўла бажараяпти, деб бўлмайди. Айрим ёшларимизда Ватан ҳимоясига интилиш, ўзининг йигитлик вазифасини সিқидилдан адо этишга хоҳиш сусайгандек, менинг назаримда.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Прокуратураимиз томонидан Урганч шаҳар мудоффа ишлари бўлимида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг ижроси умумий назорат тартибида текширилганда бир қатор қонунбузарлик ва камчиликларга йўл қўйилмаётганлиги аниқланди.

Шаҳардаги Мунис Хоразмий кўчаси 39-ўйда яшовчи, 1975 йилда туғилган фуқаро Ойбек Якубов ўзи тўғрисида сохта маълумотнома тўплаб, мудоффа бўлимига тақдим қилганлиги боис, унинг ҳарбий хизматга қақрилиши 2002 йил 20 ноябрга қадар ноқонуний кечиктирилган.

Ойбек Якубов 1997 йил Урганч Давлат университетининг жаҳон тиллари куллиётини тугатиб, шу бўлим даргоҳи ва шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ўзи билан уч томонлама тузилган шартномага асосан 25-сонли ўрта мактабга немис тили фани ўқитувчиси бўлиб ишга қиради. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири Маримбой Абдалниёзовнинг бу ҳақда 1997 йил 20 октябрда 22-сонли буйруғи чиқади. Ана шу буйруқ бўйича мактаб директори Рўзигул Раҳимова уни ишга қабул қилди ва «мазкур мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди», деган 304-роқомли



## ВАТАН МУДОФААСИ МУҚАДДАС ВАЗИФА УНДАН БЎЙИН ТОВАЛАШ ЖИНОЯТДИР

маълумотномани ёзиб беради. Узига зарур бўлган маълумотномани олган О.Якубов мактабга бир кун ҳам ишга келмай қўяди. Бу ҳолдан огох толган шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўзи берган буйруқни бекор қилиш ҳақида яна буйруқ чиқаради ва О.Якубовни ишдан бўшатади.

Ҳеч қаерда ишламайдиган О.Якубов ёлгон маълумотномани тақдим қилиб, қақирув комиссиясини чағлатишда ҳамда ўқитувчиларга бериладиган имтиёзга эга бўлиб олади. Унинг муқаддас ҳарбий хизматга қақирилиши Ўзбекистон Республикаси Мудоффа Вазирининг кўрсатмасига асосан 5 йилга кечиктирилади. Фуқаро О.Якубов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 225-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбдор деб топилди ва 2 йил муқддат аҳлоқ туза-тиши иши билан жазоланди.

Ҳамшаҳримиз Ҳамдон Бобононов ҳам сохта ҳужжатлар тўплаб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташдан тортиноётган «азамат»лардан бири. 1978 йилда туғилиб, шаҳарнинг 4-кичик даҳа, 1-ўйининг 29-хонадонига яшовчи бу фуқаро ҳеч қаерда ишлай-май, Россия шаҳарларига ти-

жорат ишлари билан қатнаб туради. У 1996 йилнинг баҳорги ва кузги, 1997 йилнинг баҳорги ҳарбий хизматга қақиритиш даврида қақирув хатини олишига қарамай, мудоффа бўлимига келмайди. Муқддатли ҳарбий хизматга кузги қақирув чоғида эса оилавий аҳоли тўғрисида сохта маълумотнома келтириб, 2005 йилга қадар «имтиёзга» эга бўлади.

У истиқомат қилаётган 30-сон Олимпия маҳалла кўмитаси хотибаси Мухаббат Файзуллаева, унинг оиласида 2-гуруҳ ногирон отаси Баҳром Бобононов, ҳеч қаерда ишламайдиган онаси Элмира Матчанова билан бирга яшайди, деб 1997 йил 18 ноябрда маълумотнома ёзиб берган. Оиладаги 1979 йилда туғилган Аҳдам Бобононовни эса «уну-тиб» қолдирган. Қалбаки ҳуж-жат тўплаб, қақирув комиссиясини алдоган, ҳарбий хизматдан бўйин товланган Ҳ.Бобононов ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 225-моддаси 2-қисми «б» банди билан жазоланди.

Урганч шаҳар 13-сон автобуслар саройида оператор бўлиб ишловчи Расулбек Абдулов ҳам Ватан олдидаги

муқаддас бурчини бажаришдан ноқонуний равишда бўйин товледи. 1978 йилда туғилган бу йигит бир ярим йил давомида бир неча марта қақирув қозонини олганига қарамай, мудоффа бўлимига ўз ихтиёри билан келмаган. 1997 йилнинг баҳорида эса Урганч шаҳар «Шодлик» маҳалла кўмитасидан оилавий аҳоли тўғрисида сохта маълумотномани онаси Дилором Отабоева орқали олиб, мудоффа бўлимига тақдим қилган. Бу ҳужжатда ўзи билан бирга яшовчи 1974 йилда туғилган ақаси Баҳром Абдулов кўрсат-илмаганлиги боис, унинг муқддатли ҳарбий хизматга қақиритиши 1999 йилгача кечиктирилган. Бу «азамат» ҳам ўз қилмишига яраша жазосини олди.

Соқир бўлган бу воқеалар кишини чўқур ўйга толдилади. Собиқ Иттифок даврида йигитларимиз СССР деб аталмиш катта бир давлатнинг турли бурчакларида ўзларининг ҳарбий бурчларини ўтар эдилар. Мустақиллик шабдаси эсиб, ўз юртимиз тинчлигини қўриқлаш, она Ватанимиз дахлсизлигини мудоффа қилишдек шарафли ва муқаддас вазифага чап бераётган баъзи йигитларни кўриб, афсус чекмасдан ўзга чора йўқ.

Ватанга меҳр-муҳаббат ҳиссиёти ҳар бир ёш йигитнинг ҳарбий хизматини онгли равишда ўташини тақозо этади. Шундай экан, йўл қўйилаётган камчиликлар ва қонунбузарликларнинг илдизи оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчиликка бориб тақалади. Бу-иллатларни бартараф этиш максасида шаҳардаги мактабларда, олий ва ўрта махсус билим юртлирида, маҳаллаларда ҳуқуқшунослар, ҳарбийлар ва уруш фаҳрийлари иштирокида тез-тез учрашувлар ташкил этмоқдамиз. Бу ҳол ёшларда Ватанга садоқат, бурч, миллий гуруҳ каби туйғуларни ўйғотмоқда. Улар муқддатли ҳарбий хизматдан бўйин товланиш оқибати нимаюларга олиб келишини тушунмоқдалар.

**Х. ЖУМАНИЕЗОВ,**  
Урганч шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси.

## ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНА

**Баъзан тазевидение орқали ривожланган давлатларнинг жазони ижро этувчи жойларга олмайви ахборот воситаларининг кириб, овозликдан маҳрум этилган шахслар билан учра-шиб, интервьюлар олишларини кўп кўраимиз. Ўзбекистон қонун-лари бўйича бундай тартиб-қоида мавжудми?**

Ҳа, албатта. Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга олмайви ахборот воситалари вакиллари кириш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларни кино, фото, видео тасвирга тушириш ва улардан интервьюлар олишга ўларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, маҳкумлар ҳавфсизлигини ва қўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга эса жазони ижро этувчи муассаса ёки орган руҳати бўлган тақдирдогина йўл қўйилади.

**Газетага бир мақола бермоқчи эдим, уни мен ўз номимда эмас, бошқа исм-фамилия қўйиб бери-шим мумкинми?**

**А.САЛИМОВ,**  
Тошкент шаҳри.

Сиз ёзган мақолангизга тахаллус қўйиб беришингиз мумкин. Олмайви ахборот воситалари эса муаллифининг қилмигини - сизнинг розилигингизсиз ошқор этишга ҳалқи эмаслар. Муаллифининг қилмиги фақатгина суд қорори билан ошқор этилиши мумкин.

**Ахборот олганлик учун ҳақ тўланадими?**

**Ш.ШАРИПОВ,**  
Фаргона вилояти.

Агар олинаётган ахборот мурожаат этган шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, бундай ахборот текинга берилмайди.

Бошқа ахборотни берганлик учун томонларнинг келишувича мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

**Жавобларни**  
**Дониёр ХАЛИЛОВ**  
тайёрлади.

France - 98

Маълумки, жаҳон чемпионатининг дастлабки ўйинларида ҳақамларнинг ҳатти-ҳаракатларида жиддий камчиликлар кўзга ташланди. ФИФАнинг янги Президенти уларнинг майдонда футболчилар томонидан содир қилинаётган кўполикларга нисбатан қаттиққўл бўлишини талаб этди. Бу чора иккинчи тур ўйинларидаёқ ўз самарасини берди. Ҳақамлар кўнгли-чанликни йиғиштириб қўйиб, майдондаги ҳар бир футболчинини кўпол ҳаракатлари учун аяб ўтирмаётдилар.

Энди гуруҳларда вужудга кел-

бўлиши ҳеч қанда шубҳа ўйотмаган эди. Ҳақиқатдан ҳам чемпионат мезбонлари ўз муҳлислари ишончини оқлашди. Улар иккинчи ўйинда Саудия Арабистони терма жамоасини йирик ҳисобда (4:0) мағлубиятга учратдилар. Икки ўйиндан 6 очко жамғарган Франция командаси кейинги босқичдаги ўз рақибини кутмақда.

Бу гуруҳда иккинчи ўрин ҳаммаси Дания командасига насиб этса керак. Бунинг учун командани Франция терма жамоаси билан бўладиган учрашувда дуранг натижага эриш-

ҳисобни тенглаштириб, муҳим очкони кўлга киритишди. Ҳар қалай, бу гуруҳда 1-ўрин учун кураш учинчи турда ҳам давом этади. Лекин 1-ва 2-ўринларни айнан шу икки команда ўзаро бўлашиб олишини тахмин қилиш мумкин. Шу гуруҳда қатнашадиган Эрон командаси АҚШ футболчиларини 2:1 ҳисобда енгиб, 3 очкони кўлга киритди ва ҳали курашнинг давоми эттириш умидидан воз кечгани йўқ.

«Е» гуруҳи. Ушбу гуруҳда Голландия ва Бельгия жамоалари кейинги босқичга чиқишлари башорат қилинган эди. Аммо, Шимолий Америка вакили - Мексика командасининг маҳоратли ўйинчилари ишқибозларда кучли таассурот қолдирмақда. Бельгия - Мексика учрашуви 2:2 ҳисобда якунлангани шундан далолат бериб турибди. Гуруҳда Голландия ва Мексика терма жамоалари 4 тадан очко тўплаб, олдинда боришмоқда. Қизғин шундаки, охириги турда бу икки команда ўртасида бўладиган ўйин ҳар уч командани ҳам қўрқатиши мумкин. Чунки, ҳозирча 2 очко тўплаган бельгияликлар сўнгги ўйинда жанубий корейлик футболчиларга қарши майдонга тушадилар.

«С» гуруҳи. Ўтган куни Тулуза шаҳрида ўтказилган Руминия - Англия учрашуви барча спорт муҳлисларида жуда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. Чунки ҳар икки команда аввалги турда ғалаба қозongan, ўзаро ўйиндаги ютуқ эса уларнинг бирини гуруҳда 1-ўринга олиб чиқарди. Ҳар икки жамоанинг биринчи ўринни эгаллашга қаттиқ интилоётганини тушуниш мумкин. Ушбу гуруҳ ғалиби нимчорак финалда «Н» гуруҳида 2-ўринни олган команда билан куч сынашди. Бу кийин вазифани эса Руминия футболчилари ундамай олишди. Кескин кураш остида ўтган ўйин 2:1 ҳисобда якунланди.

«Н» гуруҳи. Хорватия терма жамоаси ўз тарихида бундай нуфузли мусобақада илк марта қатнашадиганига қарамай, чемпионат «қашфиёти» сифатида тилга олинмоқда. Улар иккинчи учрашувда японияликларни 1:0 ҳисобда мағлубиятга учратиб, нимчорак финалга йўлланма олишди. Гуруҳда 1-ўринда бориётган аргентиналиклар эса аймақликлар дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритишди.

Ҳозирча Бразилия, Нигерия, Аргентина, Франция, Хорватия командалари нимчорак финалга чиқишди. Гуруҳлардаги сўнгги учрашувлардан сўнг нимчорак финалнинг қолган қатнашчилари маълум бўлади.

Б. МАМАТОВ.

Ҳажвия

КУВНОҚ ЭЪЛОНЛАР

\* Куни кеча шаҳримизда яна бир янги тижорат дўкони ишга тушди. Дўконга кирган ҳар бир харидор қурби етган нарсани сотиб олиши мумкин.

\* Эртага соат 14.00 да институт бош биносининг учинчи қаватидаги 13-хонада физика фонидан имтиҳон бўлади. Билетлар физика кафедрасида сотилмоқда.

\* Эллик беш ёшли меҳнатқош аёл ичмайдиган, чекмайдиган, ҳеч нарсани ўйламайдиган эркак билан танишмоқчи. А-514.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Ичувчиларга: пиво ичганда балиқчи газак қилин! Балиқ сув билан тирикдир.

Ота-оналарга: болани алдаман! Катта бўлганида билиб қолиши мумкин

Ошпазларга: хўрандаларга ширин муомалада бўлман! Ширинлик иштаҳони бўғди.

Ичувчиларга: чўнтагингиздаги барча пулга ичин! Пулингизни йўқотиб юрмайсиз.


Порахўрларга: қўлингизни совунлаб юрин! Ишингиз силлиқ кечоди.

Уйқучиларга: ишхонада ухлаганингизда хуррак отин! Бошқа ҳамкасбларингиз ўхлаёлмайди.

Футболчиларга: тўпни бошингиз билан ўйнан! Оёғингиз дам олади.

Илҳом ЗОЙИР

Кроссворд



Азиз муштарий! Маъж жавобларини белгиланган хонадан соат милли йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Мусулмончиликдаги бажарилши мажбурий бўлган вазифалар. 2. Гафур Фулонинг фалсафий мазмунидаги шеъри. 3. Утмишда хонлиқдаги юқори амалдордан бири. 4. Бирор масала юзасидан ўзаро қелишув. 5. Мамлакатимиздаги йирик матбаа корхонаси. 6. Мақсадни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи. 7. Фарғона водийсидagi шахар. 8. Жамият тараккибидaги маълум вақт оралиги. 9. Узунлик ўлчови. 10. Қилинган қилимишга яраша қўриладиган оқибат. 11. Инсоннинг ўзгаларга бўлган самимий муносабати. 12. Мақолдан: «...» - азиз, одоби ундан азиз». 13. Афсонавий бахт қуши. 14. Ҳафта куни. 15. Маълум ғоя, ҳодисани ифодаловчи шартли белги. 16. Суднинг жиний иш юзасидан чиқарган қатъий қарори. 17. Ҳинд аёлларининг миллий либоси. 18. Кўпчилик томонидан амал қилинадиган тартиб, аъноа. 19. Бировга нисбатан одоват, ўч. 20. Шаҳарнинг ҳудудий бўлими. 21. Бирор фалокат юз бериши эҳтимолиги, кўрқинч. 22. Дин, шариат қонунлари ҳақидаги фан. 23. Куёв ва келиннинг бир-бирларига нисбатан ота-оналари. 24. Борлиқ, олам. 25. Янги Ҳиндистон бунёдкориги номи билан танилган давлат арбоби. 26. Ҳашаматли бино.

МУАММОНОМА

Аввал қўйдаги таърифланган рақамларда ифода қилган сўзларни тилиб оқичини хал этинг.

1. Хориждан келтирилган маҳсулотдан олинadиган солиқ - 5, 7, 10.  
2. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонинг оташин шеъри - 16, 1, 8, 11.  
3. Ишлаб чиқариш корхонаси - 13, 1, 14, 7, 6.  
4. Африка қитъаси шимолидаги давлат - 12, 2, 4, 3.  
5. Ҳотар кўрал тури - 9, 1, 15, 1, 9.

Энди очкин жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларни харфлар билан алаштириб муаммонани хал этинг. Ундан шарқ халқларига мансуб ҳикоятлардан бири аён бўлади.

Ҳозилжон ОРИПОВ

БЕШ ДАЪВОГАР

МАЪЛУМ

КЕЙИНГИСИ КИМЛАР?

Франция шаҳарларида бўлиб ўтаётган футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати ўйинлари қизгин паллага кирди.

ган вазиятларга назар ташлайлик.

«А» гуруҳи. Бразилия терма жамоаси марокашлик футболчиларга нисбатан маҳорат бода яққол устунликларини намойиш этдилар. Бу учрашувда 3:0 ҳисобида ғалаба қозongan бразилияликлар ўз гуруҳида 1-ўринни ноқд қилиб қўйишди.

Шотландия-Норвегия учрашувида дуранг натижа қойд этилди. Кейинги босқичга йўлланма берадиган иккинчи ўринга бир йўла уч команда даъвогарлик қилмоқда. Бунда Норвегия командасининг имкониятлари кўпроқ, лекин у, гуруҳдаги охириги ўйинда Бразилия терма жамоасини енгизи лозим бўлади. Бу - анча мураккаб вазифа.

«В» гуруҳи. Ўтказилган 4 учрашувнинг учтаси дуранг натижа билан якунлангани боис жадвалда биринчи ва иккинчи ўринларни ким эгаллашини башорат қилиш мушкулроқ. Италия иккинчи ўйинда жиддий рақиб - Камерун командасини 3:0 ҳисобида доғда қолдириб, ҳозирча 4 очко билан пешкада бўлиб турибди. Аммо Чили футболчилари ҳам кучли рақиблардан чиқиб қолишди. Улар Австрия командасини мағлубиятга учратишлари бода бир баҳа қолди. Бирок, сўнгги дақиқада австрияликлар жавоб тўпини киритиб, мағлубиятдан зўрға қутулиб қолдилар. Хуллас, иккинчи ўринга Австрия ва Чили командалари асосий даъвогар бўлиб туришди.

«С» гуруҳи. Бунда Франция терма жамоасининг ғалиб

са кифоя.

«Д» гуруҳи. Нигерияликлар чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлик қилаётган Испания жамоасини мағлубиятга учратганларидан сўнг мутахассислар, уларнинг бу ғалабаси тасодиф эмасмикин, деган фикрга бордилар. Жамоа кучли ва маҳоратли Болгария терма жамоасидан 1:0 ҳисобида устун чиққач, финалда ўйнайдиган командалардан бири Нигерия бўлиши мумкин, деган башоратлар ҳам баралла айтила бошлади. Таркибида Африка футболчи юлдузлари тўплаган бу жамоа агар финалга чиқса ҳеч ажбаламасоқ ҳам бўлади.

Гуруҳда иккинчи ўринни ким эгаллаши мумкин? Бу саволга бугун ўйналодиган Испания - Болгария, Нигерия - Парагвай учрашувларидан сўнг жавоб топамиз.

«Ғ» гуруҳи. Югославия командаси германиялик футболчиларга жиддий рақиб чиқиб қолишди. Улар ўртасида бўлиб ўтган ўйин чемпионатнинг мурасимсиз баҳсларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Дастлаб 2:0 ҳисобида ғалаба қозонаётган югославияликлар, «немиш машинасининг сўнгги дақиқаларига узлуксиз ва беҳато ишлашини ҳисобга олмадилар, шекилли. Германия терма жамоаси бош мураббийси Б. Фогтс қийин вазиятга тўғри баҳо бериб, ўйинчиларни вақтида алмаштиргандан сўнг немиш футболчиларининг ҳужумлари шиддатли тус олди. Улар санокли дақиқалар ичида

Унда 19 нафар рақиб беллашди. Мусобақа шартин оддий - ким кучли бақирди. Ғалиб Тацуро Мурано бўлди. Унга соврин билан 100 минг иен берилди. Токиоликлар бу беллашувга Ўзбекистондан ҳам воқиллар таклиф қилишганда «оватбурун отчорлар кетвотти. Маршрутнинг тақсилор бор», деб Собир Раҳимов бекатидо куни бўйи бақирди туродиган йигитларимиз ғалиб Т. Мурано ни ҳам ярим йўлда қолдирарди.

БАҚИРИБ ҲАМ ПУЛТОПСА БЎЛАРКАН

Токио шаҳрида бақироқларнинг аънаваний биринчилиги бўлиб ўтди.

Турфа олам

ХЎРОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Хўрозлар нафақат «жанг»да, балки «қа-қ»лашда ҳам беллашар экан. Амриқоннинг Рог Риввер шаҳрида ўтказилган «қа-қ»лаш бўйича мусобақада Жемс лакабли хўроз ярим соатда 85 марта «қа-қ»лаб, биринчи ўринни эгаллади. Хўроз эгалари жановларни 12 соатлаб қоронғу жойда сақла-